

**Ўзбекистон футбол ассоциацияси  
Ижроия қўмитаси бюросининг  
2019 йил 4 мартдаги  
4-сонли қарори (4-илова) билан  
ТАСДИҚЛАНГАН**

**ИНТИЗОМ КОДЕКСИ**

**Тошкент шаҳри 2019 йил**

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1.** Тартиб-интизом қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) Ўзбекистон футбол ассоциациясининг доимий фаолият юритадиган органи ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг тегишли талабларига, шунингдек ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ нормаларига мувофиқ амалга оширади.

**1.2.** Қўмита қарорлари профессионал ва ҳаваскор футбол клублари (жамоалари), мини-футбол клублари (жамоалари), аёллар жамоалари, уларнинг мураббийлари, футболчилар, раҳбарлари ва мусобақаларнинг бошқа иштирокчилари, шунингдек, футбол учрашувлари ўтказиладиган спорт иншоотлари учун мажбурий ҳисобланади.

**1.3.** Қўмита ўз фаолиятида ЎФА ва ЎзПФЛ олдида ҳисобдордир.

## **2. ҚЎМИТА ВАКОЛАТЛАРИ**

**2.1.** Қўмита Интизомий ва санкциялар рўйхатига мувофиқ клублар, футболчилар, стадионлар, расмий шахсларга нисбатан интизомий чоралар ва жарима санкцияларини қўллайди. Қўмита интизомий чораларга қўшимча қилиб Қўмита қарорлари бажарилишини таъминлашга қаратилган директиваларни қабул қилади.

**2.2.** Агар Интизомий чоралар ва жарима санкциялар рўйхатида бирон-бир масала бўйича қоидалар бўлмаса, Қўмита қарорларни ҳуқуқ ва адолатнинг умумий принципларига асосланиб қабул қилишга ҳақлидир.

## **3. ҚЎМИТА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

**3.1.** Қўмита раис, унинг ўринбосари, котиб ва фаолият юритиши учун зарур ҳисобланган аъзолардан ташкил топади.

**3.2.** Қўмита йиғилишлари заруратдан келиб чиққан ҳолда, лекин, қоидага кўра, ойига камида икки марта ўтказилади (мусобақалар ўтказилаётган даврда).

**3.3.** Қўмитага Раис раҳбарлик қилади ва ўз ваколатлари доирасида:

- Қўмита ишига раҳбарлик қилади;
- Қўмита қарорлари ижросини назорат қилади;
- Қўмита мажлисларини чақиради;
- Қўмита мажлисининг кун тартибини тасдиқлайди;
- Қўмита мажлисини олиб боради;
- Қўмита мажлисларида иштирок этиш имконияти бўлмаганда, ўз ваколатларини Қўмита аъзоларининг бирига топширади.

**3.4.** Қўмита фаолиятини ташкил қилиш ва таъминлаш котиб зиммасига юклатилади, котиб Қўмита мажлиси учун тегишли материалларни тайёрлайди, масалани кўриб чиқиш санаси ҳақида манфаатдор шахсларни хабардор қилади.

**3.5.** Қўмита масалаларни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши учун мажлисда Қўмита аъзоларининг 50% дан кам бўлмаган таркиби иштирок этиши лозим.

Қўмита ўз қарорларини кўпчилик овоз асосида қабул қилади. Қўмитанинг ҳеч бир аъзоси бетараф овоз беришга ҳақли эмас. Қўмита аъзолари муҳокама қилинаётган масалалар ҳамда қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш натижалари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмасликлари лозим.

**3.6.** Қўмита қарорлари ёзма кўринишда расмийлаштирилади. Мажлис баённомаси раис ёки унинг ваколатларини бажараётган шахс ва котиб томонидан имзоланади.

#### 4. МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

**4.1.** Масалаларни Қўмита мажлисида кўриб чиқиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- учрашув баённомаси;
- ЎзПФЛ Комиссарининг рапорти;
- ҳакамларнинг ҳисоботлари ва рапорти;
- инспекторларнинг рапортлари;
- учрашувнинг видеоёзуви;
- Қўмита аъзоларининг ёзма аризаси;
- футбол клублари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, вилоят футбол федерациялари вакилларининг аризалари;
- оммавий ахборот воситаларининг материаллари, шунингдек талаб қилинган ёки тақдим этилган бошқа ҳужжатлар.

**4.2.** Қўмитага келиб тушаётган материаллар котиб томонидан махсус журналда рўйхатдан ўтказилади ва Қўмита раисига тақдим этилади.

**4.3.** Қўмита Ўзбекистон футбол ассоциациясининг тегишли субъектларидан Қўмита йиғилиши кун тартибига қўйилган масалаларни батафсил кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун зарур барча ҳужжатларни сўраши ва олишга, маслаҳат учун тегишли мутахассисларни жалб қилишга ҳақлидир.

**4.4.** Қўмита раиси ва котиби, зарурат туғилганида, Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонида Қўмита мажлисига чақирилган шахслар доирасини белгилайди.

**4.5.** Қўмита манфаатдор томонларни тингламай туриб, мавжуд ҳужжатларга асосланган ҳолда, қарор қабул қилишга ҳақли.

Масалани Қўмита мажлисида муҳокама қилиш ва овоз бериш жараёнлари таклиф этилган шахсларсиз ўтказилади.

**4.6.** Қўмитага келиб тушган материаллар, улар рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқиши лозим.

**4.7.** Манфаатдор шахслар қабул қилинган қарор ҳақида, важларнинг қисқача баёни келтирилган ҳолда, хабардор қилинади. Қўмитанинг тегерамма, телефакс, хат кўринишидаги қарори Ўзбекистон футбол ассоциацияси клубларига етказилади. Агар томонлар (томонларнинг бири) Қўмита мажлисида қатнашаётган бўлса, қарор оғзаки эълон қилиниши мумкин.

**4.8.** Қўмитанинг қуйидаги қарорлари устидан ариза берилиши мумкин:

- жарималарнинг миқдори белгиланган миқдордан каттароқ бўлса;
- учрашув бекор қилинса ва қайта ўтказиладиган бўлса;
- жамоалардан очколар ечиб олинса;
- стадионлар дисквалификация қилинса;
- жамоалар мусобақалардан четлатилса.

#### 5. ИНТИЗОМИЙ ЧОРАЛАР ВА ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ РЎЙХАТИ

**5.1.** Санкциялар тури ва жарималар миқдори Қўмита томонидан қоидабузарликлар даражасига қараб белгиланади. Юмшатовчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олинади. Санкциялар комбинациялашган бўлиши мумкин.

**Жарима санкциялари бўйича тўловлар ЎзПФЛ ҳисоб рақамига (х/р 20210000004715654001 МФО – 00439, ОАТБ Савдогар банк. ОКОНХ – 98500, СТИР – 206967345) қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида тўланади.**

**1-бўлим. Клублар (жамоалар), стадионларга нисбатан қўлланадиган интизомий ва жарима санкциялар:**

- а) огоҳлантириш;
- б) учрашувни томошабинларсиз ўтказиш;
- в) стадионнинг дисквалификация қилиниши;
- г) учрашувни нейтрал (бошқа шаҳардаги) стадионда ўтказиш;
- д) учрашувни қайта ўтказиш;
- е) учрашув натижасини бекор қилиш;
- ж) техник мағлубият;
- з) **500 000 000 сўмгача миқдордаги жарима;**
- и) янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш;
- к) очколардан маҳрум қилиш;
- л) мусобақа иштирокчилари таркибидан четлатиш.

**Ушбу санкциялар қуйидаги ҳолатларда қўлланилади**

**5.2.** Майдонни рухсатсиз тарк этгани, учрашувни давом эттиришдан бош тортгани учун:

- техник мағлубият;
- пул жаримаси.

**5.3.** Учрашувга келмаслиги учун:

- техник мағлубият;
- маълум миқдордаги пул жаримаси;
- агар учрашувга “меҳмон” жамоа келмаса – ҳакамлар ва инспекторларнинг йўлқираси ва яшаши, чипталарни тайёрлаш ва сотиш, меҳмонхонада жойларни бронь қилиш учун “мезбон” жамоа (ташкilot) сарфлаган маблағлар тақдим этилган ҳужжатлар асосида қопланади. Агар учрашувга “мезбон” жамоа келмаса, у ҳолда рақиб жамоанинг учрашув жойига келиб-кегиш йўлқираси, меҳмонхонада яшаши ва овқатланиши билан боғлиқ харажатлари “мезбон” жамоа томонидан қопланади.

**5.4.** Футболчилар, жамоа ва расмий шахсларнинг стадионда, футбол майдонида ёки унга ёндош ҳудудда тартибсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлган ножўя (провакацион) хатти-ҳаракатлари учун:

- учрашувни томошабинларсиз ўтказиш;
- стадионнинг дисквалификация қилиниши;
- кейинги учрашувларни нейтрал (бошқа шаҳардаги) стадионда ўтказиш;
- пул жаримаси;
- мусобақа иштирокчилари таркибидан четлатиш.

**5.5.** Бир (ёки иккала) жамоа футболчиларининг интизомсизлиги туфайли учрашувнинг тўхтатилиши:

- учрашув натижасини бекор қилиш;
- техник мағлубият;
- пул жаримаси;
- учрашувни томошабинларсиз ўтказиш;
- стадионнинг дисквалификация қилиниши;
- кейинги учрашувларни нейтрал (бошқа шаҳардаги) стадионда ўтказиш;
- мусобақа иштирокчилари таркибидан четлатиш.

**5.6.** Футболчилар, жамоа раҳбарлари, расмий шахсларнинг учрашувдан олдин, учрашув вақтида ва учрашувдан кейин одобсиз, қўпол ва спорт принципларига зид хатти-ҳаракатлари, шунингдек тақдирлаш маросимига, чемпионатнинг очилиш ва ёпилиш маросимларига чиқмагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси;
- маълум муддатга дисквалификация қилиш ёки расмий вазифаларни бажаришдан четлатиш.

**5.7.** Меҳмон жамоани, ҳакамлар бригадаси, инспектор, ЎЗПФЛ вакилини кутиб олиш, уларга ҳамроҳлик қилиш, жойлаштириш ва уларга Регламентга мувофиқ тўловларни таъминламагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.8.** Амалдаги контрактга кўра бошқа клубга тегишли бўлган футболчи билан тўғридан тўғри ёки билвосита алоқага чиқиш учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси;
- рўйхатдан ўтказишнинг бир даври учун янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш;

**5.9.** Стадионда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминламагани учун.

Учрашувдан олдин, учрашув вақтида ва учрашувдан кейин ҳакамлар бригадасининг ИИБ ходимлари томонидан қўриқланишини таъминламагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси;
- учрашувни томошабинларсиз ўтказиш;
- стадионнинг дисквалификация қилиниши;
- техник мағлубият;
- стадионнинг дисквалификация қилиниши;
- кейинги учрашувларни нейтрал (бошқа шаҳардаги) стадионда ўтказиш;

**5.10.** Мусобақалар Регламентининг стадионларга қўйилган шартлари ва талабларини бажармагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси;
- учрашувни томошабинларсиз ўтказиш;
- кейинги учрашувларни нейтрал (бошқа шаҳардаги) стадионда ўтказиш.

**5.11.** Компенсациялар, заявка бадал пуллари, белгиланган жарималар бўйича қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш, шунингдек контрактлар, футбол мактаблари заявқалари ва учрашувлар баённомаларини сохталаштириш учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси (ЎЗПФЛ томонидан ўтказиладиган мусобақалар учун);
- техник мағлубият;
- рўйхатдан ўтказишнинг бир даври учун янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш;

- учрашув натижасини бекор қилиш;
- очколардан маҳрум қилиш;
- ЎФА мусобақалари иштирокчилари таркибидан четлатиш;
- ФИФА Регламентига мувофиқ жарима солиш (халқаро трансферлар учун).

**5.12.** Протест билдирилганда ва низоли вазиятларда видеоёзувни тақдим этмагани ёки қалбакилаштирилган видеоёзувни тақдим этгани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.13.** Футболчиларни бир клубдан бошқа клубга ўтиши бўйича Регламент талабларининг бузилиши ва бошқа клуб билан контракт тузган футболчини штатга қўшиб олиш, унинг ўқув-тайёргарлик машғулотлар ва йиғинларда қатнашиши, шунингдек жамоа таркибида чет элга чиқиши учун:

- пул жаримаси;
- рўйхатдан ўтказишнинг бир даври учун янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш.

**5.14.** ЎФА, ЎзПФЛ рухсатисиз халқаро усрашувларни ўтказиш – пул жаримаси.

**5.15.** Мураббийнинг лицензиялаш бўйича халқаро курсларда қатнашишини таъминламагани, ушбу Регламентда белгиланган талабаларини бажармагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.16.** Футболчини Ўзбекистон терма жамоаларига келишини узрли сабабсиз таъминламагани учун:

- пул жаримаси;
- терма жамоага чақирилган даврда футболчига клуб учун қатнашишни тақиқлаш;
- футболчидан беш учрашувдан четлатиш.

**5.17.** Футболчи терма жамоага кечикиб етиб келгани учун – пул жаримаси.

**5.18.** “Ўйин қоидаларини” бузгани учун (Техник зона):

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.19.** Протест ёки шикоятда ишончсиз, бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этилгани учун, шунингдек баённомага протест ёки шикоят берилгани тўғрисида ёзув киритилган бўлиб, лекин клуб ушбу Регламентда белгиланганидек протест ёки шикоятномани ЎзПФЛ Маъмуриятига юбориш учун кейинги зарур чораларни кўрмаган бўлса – пул жаримаси.

**5.20.** Мусобақалар Регламентига мувофиқ Клуб томонидан шахсий контрактни берилмагани, шахсий контрактнинг клуб томонидан йўқотилгани, шахсий имзони қалбакилаштирилгани, индивидуал контрактни ўз вақтида берилмагани, дубликат (шахсий контрактнинг ксерокопияси) берилгани учун – пул жаримаси.

**5.21.** Мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензияни йўқотгани, иштирокчини қўшимча расмийлаштириш учун лицензияни йўқотгани ёки бузгани учун – пул жаримаси.

**5.22.** ЎзПФЛ, мусобақалар Регламенти талабларини бажармагани, дисквалификация қилинган, белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган, ЎФА Техник бошқармасининг Илмий-методик гуруҳи (Комиссия) томонидан ўтказиладиган жисмоний тайёргарлик бўйича тестлардан ўтмаган футболчининг учрашувда иштирок этиши ёки футбол бўйича мусобақалар Регламентининг бошқа талабларини қўпол равишда бузгани учун:

- пул жаримаси;
- техник мағлубият.

**5.23.** Бадал пулини тўламагани ёки ўз вақтида тўлиқ ҳажмда тўламагани, шунингдек олдинги мавсумда тайинланган жарималар бўйича қарздорликни ёпмагани учун:

- янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш;

- пул жаримаси;
- уч очкодан маҳрум қилиш;
- уч очкодан қайта маҳрум қилиш;
- ЎзПФЛ мусобақалари иштирокчилари таркибидан четлатиш.

**5.24.** Заявка ҳужжатларини расмийлаштириш графигига риоя қилмагани, заявка ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини бузгани учун – пул жаримаси.

**5.25.** Футболчилар ижараси учун клублар ўртасидаги тўловларнинг, шунингдек контракт шартларига асосан футболчилар, мураббийлар ва футбол клубининг бошқа ходимларига бериладиган иш ҳақи, мукофот пуллари бўйича тўловларнинг тўлиқ ҳажмда бажариш муддатлари бузилгани учун:

- янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш;
- пул жаримаси;
- уч очкодан маҳрум қилиш;
- уч очкодан қайта маҳрум қилиш;
- ЎзПФЛ мусобақалари иштирокчилари таркибидан четлатиш.

**5.26.** Ҳакамлар, инспекторлар, мусобақа иштирокчиларини пора бериб сотиб олишга урингани ёки сотиб олгани, шунингдек учрашув натижасига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказгани учун:

- учрашув натижасини бекор қилиш;
- техник мағлубият (уч очкодан қўшимча маҳрум қилиш);
- пул жаримаси;
- мусобақа иштирокчилари таркибидан четлатиш.

**5.27.** Мусобақалар Регламентида белгиланган назоратчи ва ҳакамларга сафар харажатлари билан боғлиқ тўловларни бажариш муддатларини бузгани учун – жарима интизом чораси қўлланади.

Футбол клубига қўйилган жарима санкциялари бўйича тўлов муддатларини бузгани учун – пул жаримаси.

**5.28.** ЎФА, ЎзПФЛ томонидан ўтказилаётган расмий тадбирларда иштирок этмагани ва талаб этилган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмагани учун; мусобақаларни ўтказиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришда Регламент талабаларини бажаргани учун – пул жаримаси.

Регламент талабаларини қўпол бузгани учун клуб иштирокчилар таркибидан четлатилади. Футбол клуби тартибот харажатлари ва клубга, унинг расмий шахслари ва футболчиларига қўйилган жарималарнинг барча турлари учун жавобгар ҳисобланади.

**5.29.** ЎФА ва ЎзПФЛ билан келишмасдан туриб жамоа бош мураббийини тайинлаш ёки ишдан бўшатиш учун:

- мураббийлар таркибини рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш.
- пул жаримаси.
- очколардан маҳрум қилиш.
- мусобақалардан четлатиш.

**5.30.** Календарь учрашувига кечикиб келгани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.31.** Ҳакамлар бригадасини футбол клуби базасида жойлаштиргани ва таъминлагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.32.** Учрашув видеоёзувини 48 соат давомида ЎзПФЛ га тақдим этмагани учун – пул жаримаси.

**5.33.** Мусобақалар Регламентида белгиланган Мусобақа иштирокчиларининг либосларига қўйиладиган талабларини бажармагани учун:

- огоҳлантириш;
- пул жаримаси.

**5.34.** ЎзПФЛ, Мусобақалар Регламенти ва Лицензиялаш Регламенти талабларини бажармагани учун – пул жаримаси.

**5.35.** Келишилган ўйинда ёки учрашувлар натижасига қонунга хилоф тарзда, спорт этикасига зид бўлган таъсир кўрсатишда қатнашгани учун:

- очколардан маҳрум қилиш;
- куйи лигага ўтказиш;
- мусобақалардан четлатиш.

## **2-бўлим. Клубнинг расмий шахслари, раҳбарлари ва бошқа ходимларига нисбатан қўлланадиган интизомий чоралар ва жарима санкциялари:**

а) огоҳлантириш;

б) дисквалификация ёки Ўзбекистон Чемпионати, Биринчилиги, Ўзбекистон Кубоги учрашувларини ўтказиш билан боғлиқ расмий вазифаларни бажаришдан номуайян муддатга четлатиш;

**в) 500 000 000 сўм миқдоргача пул жаримаси;**

г) мураббий лицензиясини бекор қилиш;

д) футбол билан боғлиқ барча фаолият турларидан номуайян муддатга четлатиш.

Юқорида санаб ўтилган санкциялар куйидаги ҳолатлар учун қўлланилади:

**5.36.** Учрашувдан олдин, учрашув вақтида ва учрашувдан кейин одобсиз, қўпол ва спорт принципларига зид хатти-ҳаракатлари учун.

**5.37.** Мусобақаларнинг Регламент билан белгиланган талабалари ва қоидаларини қўпол бузгани учун.

**5.38.** Ҳакамлар, инспектор, ЎзПФЛ комиссарини ҳақорат қилгани, уларга нисбатан жисмоний куч ишлатишга урингани учун.

**5.39.** Учрашув баённомасида ҳакамлик юзасидан рапорт бериши тўғрисида ёзув қайд этилмаган бўлсада, оммавий ахборот воситаларида ҳакамларга нисбатан танқидий фикрлар билдиргани учун.

**5.40.** Стадион, футбол майдони ва стадионга ёндош ҳудудда тартибсизликларни келтириб чиқишга сабаб бўлган провокацион хатти-ҳаракатлар учун.

**5.41.** ЎФА, ЎзПФЛ ва уларнинг расмий шахсларига нисбатан бедаб, қўпол тусга эга фикрларни билдиргани учун.

**5.42.** ЎзПФЛ мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ реал фактларни бузиб кўрсатгани учун.

**5.43.** ЎзПФЛ, Мусобақалар Регламенти ва Лицензиялаш бўйича Регламент талабларини бажармагани учун.

**5.44.** Учрашувга ёки унинг натижасига таъсир ўтказиш мақсадида келишув (келишилган ўйин) ташкил қилгани учун куйида жазо чоралари қўлланилади:

- жарима;
- лицензия амал қилишини вақтинча тўхтатиш ёки умуман бекор қилиш;
- мукофот ва спорт унвонларидан маҳрум қилиш;
- футбол билан боғлиқ фаолиятнинг барча турларидан номуайян муддатга четлатиш.



### 3-бўлим. Футболчиларга нисбатан қўлланадиган интизомий ва жарима санкциялар

**5.45.** Учрашувлар ўтказилаётганида йўл қўйилган қоидабузарликлар учун белгиланадиган дисквалификация:

- а) тўртта сариқ карточка учун – 1 учрашувга;
- б) тўпни (ўйинни) атайлаб тўхтатгани ёки сўнгги умид фоли учун – 1 учрашувга;
- в) шериги, рақибига нисбатан ҳақоратомуз хатти-ҳаракатлари учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- г) ҳакамлар бригадаси, инспектор, ЎзПФЛ комиссари, расмий шахслар, мухлисларга нисбатан ҳақоратомуз хатти-ҳаракатлари учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- д) шериги, рақибига нисбатан беадаб, қўпол ва уятли фикрлар билдиргани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- е) ҳакамлар бригадаси, инспектор, расмий шахслар, мухлисларга нисбатан беадаб, қўпол ва уятли фикрлар билдиргани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- ж) ўйин вақтида ёки ўйин тўхтатилганида рақибни атайлаб туртиб юбориш учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- з) рақибни оёғи билан тепгани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- и) рақибини юзига зарба (қўли, оёғи билан) бергани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- к) рақибни, шериги билан муштлашгани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- л) жароҳат етказиш мақсадида қўпол ўйнагани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- м) қўпол ўйнаб, жароҳат етказгани учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- н) қўпол ўйнаб, атайлаб жароҳат етказгани учун – 10 ўйиндан 1 (бир) йилгача;
- о) икки томонлама муштлашув учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- п) тажовузкор хулқ-атвор ва ҳаракатлари учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- р) томошабинларга нисбатан провокацион ҳаракатлари учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача;
- с) рақиб, шериги, расмий шахслар, ҳакамлар, томошабинлар томонга тупургани (очикдан-очик ҳақорат қилгани) учун – 2 ўйиндан 10 ўйингача.

**Юқорида санаб ўтилган қоидабузарликлар (а) ва б) бандларни истисно қилганда) учун қўшимча қилиб 500 000 000 сўм миқдоргача молиявий санкциялар қўлланиши мумкин.**

**5.46.** Бир учрашув давомида олинган икки сариқ карточка майдондан четлатиш ҳисобланади, ушбу учрашувда олинган сариқ карточкалар бекор қилинади, лекин аввалроқ олинганлари бекор қилинмайди ва футболчи бу четлатишдан кейин 1 (кейинги) ўйинга дисквалификация қилинади.

**5.47.** Суперлига учрашувларида, Кубок мусобақаси учрашувларида асосий жамоа, ёшлар жамоаси таркибида олинган огоҳлантиришлар юқорида кўрсатилган мусобақалар учун алоҳида ҳисобга олинади.

Кубок учрашувлари Суперлиганинг асосий таркиби қатнашадиган учрашувлар ҳисобланади. Кубок учрашувларидаги майдондан четлатишлар Суперлига ва ПРО-лига ўйинларида ҳам ҳисобга олинади.

Суперлига, ПРО-лига учрашувларидаги майдондан четлатишлар Кубок учрашувларида ҳам ҳисобга олинади.

Асосий таркиб учрашувида қизил карточка олган футболчи асосий таркиблар учун дисквалификация муддати тугамагунига қадар ёшлар биринчилиги ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Ёшлар таркиби учрашувида майдондан четлатилган футболчи ёшлар таркиблари учун дисквалификация муддати тугамагунига қадар асосий таркиб ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

бир учрашув давомида олинган икки сариқ карточка майдондан четлатиш ҳисобланади.

Суперлига, Кубок ўйинлари, ПРО-лига, ёшлар биринчилиги учрашувларида олинган тўрт сариқ карточка учун дисквалификация (бир учрашувга) фақат ушбу огоҳлантиришлар олинган мусобақаларда ҳисобга олинади.

Футболчи бир лигадан бошқа лигага ўтганида огоҳлантиришлар бекор қилинади ва кейинги мавсумга ўтказилмайди. Қизил карточкалар бўйича Қўмита томонидан белгиланган санкциялар футболчи бир лигадан бошқа лигага ўтганида ўз кучини сақлаб қолади. Қизил карточкалар бўйича Қўмита томонидан белгиланган санкцияларнинг бир спорт мавсумида амалга оширилмаган қисми кейинги мавсумда амалга оширилади.

Ҳар бир клуб футболчилари ва расмий шахслар мусобақа давомида майдонга туширилган ри олган огоҳлантиришлар ёки қизил карточкалар ҳисобини юритиш учун жавобгар ҳисобланиб, рўйхатдан ўтказилган футболчилар ва расмий шахслар учрашувда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлаши лозим.

ЎзПФЛ дан огоҳлантириш ёки қизил карточка ҳақида билдиришнома олинмаслиги учрашувда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган футболчи ёки расмий шахсинг оқланиши ва учрашувда қатнашиши учун белгиланадиган санкциядан ҳимоя қилиниши учун ваз ж бўла олмайди.

**5.48.** Ҳакамлар бригадаси, инспектор, ЎзПФЛ Комиссари, расмий шахсларга нисбатан жисмоний куч ишлатган ҳолда таъсир қилишга уриниш учун ЎФА нинг Интизам Қўмитаси томонидан беш учрашувдан 1 йил муддатгача дисквалификация белгиланади.

**5.49.** Ҳакамга, инспекторга, ЎзПФЛ Комиссари, ЎФА ва ЎзПФЛ расмий шахсига хужум қилгани учун – 10 учрашувдан 2 йил муддатгача дисквалификация ва пул жаримаси белгиланади.

**5.50.** Футболчи амалдаги контрактга мувофиқ 10 кун муддат ичида клубга қайтишдан бош тортгани, бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ меҳнат шартномасини имзолагани учун: қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ойгача дисквалификация ва пул жаримаси белгиланади.

**5.51.** Бошқа мамлакатлардаги мусобақаларда трансфер сертификатсиз қатнашгани учун – пул жаримаси.

**5.52.** Агар “қелишилган” ўйинда қатнашиб, футболчи учрашув натижасига таъсир қилувчи ҳаракатларда иштирок этгани фош қилинган бўлса – унвонлардан маҳрум қилиш ва футбол фаолиятдан муайян муддатга четлатиш.

**5.53.** “Футбол бутунлигини (яхлитлигини) ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация” бандларини бажармагани учун – футбол фаолиятдан муайян муддатга четлатиш.

#### **4-бўлим. Турли интизомий санкциялар**

**5.54.** Ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди ва бошқа ҳолатлар бўйича футболчилар, расмий шахслар томонидан камситиш (дискриминация) фактлари мавжуд бўлганда – 5 ўйингача муддатга дисквалификация ва 500 000 000 сўмга миқдорда жарима.

**5.55.** Жамоа (клуб) ишқибозлари томонидан ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди ва бошқа ҳолатлар бўйича камситиш (дискриминация) фактлари мавжуд бўлса, шу жумладан камситиш (дискриминация) тусига эга матнли баннерлар намоиш қилинса – ишқибозлар мухлислик қилган клуб (жамоа)га нисбатан қуйидаги санкциялар қўлланади:

- учрашувни томошабинларсиз ўтказиши;
- 3 очкодан маҳрум қилиш;
- 500 000 000 сўмгача миқдорда жарима;
- мусобақалардан четлатиш.

Агар мухлис қайси жамоага мансуб экани аниқланмаса, санкциялар майдон эгаси ҳисобланган клубга нисбатан қўлланади.

**5.56.** ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ ўзаро интизомий санкцияларни қуйидаги ҳолатларда қўллайдилар:

- допинг истеъмол қилинганда;
- келишилган ўйинлар ташкил этилганда;
- халқаро учрашувларда расмий ва ҳамроҳлик қилаётган шахслар томонидан Регламент талаблари жиддий тарзда бузилганда;
- учрашувлар ҳакамлари ва инспекторларига нисбатан зўравонлик ҳаракатлари кузатилганда.

**5.57.** ЎФА Интизом Қўмитаси томонидан муҳокама қилиниши талаб этилмайдиган ҳолатларда ЎзПФЛ пул жаримаси кўринишидаги санкцияларни қўллаши мумкин. Бундай жарима санкциялари ЎзПФЛ Бош директори буйруғи билан расмийлаштирилади.

**5.58.** Клубларга нисбатан қўйилган жарима санкциялари 15 кун мобайнида тўланиши лозим.

**5.59.** Клуб “келишилган” ўйинда қатнашгани, тотализаторда ўйнагани учун – мусобақалардан четлатиш.

**5.60.** Расмий шахслар, мураббийлар, мураббийлар ва футболчилар “келишилган” ўйинда қатнашгани, тотализаторда ўйнагани учун – футбол фаолиятидан номуайян муддатга четлатиш.

**5.61.** Учрашув вақтида ҳакамлар томонидан қўлланган “сариқ” ёки “қизил” карточкалар кўринишидаги санкциялар ЭСК ва Интизом Қўмитасининг биргаликда қабул қилинган қарори ёки ЎФА Апелляция Қўмитасининг қарорига кўра бекор қилиниши мумкин.

**5.62.** Агар, клуб ва футболчи ўртасида тузилган шартнома асосида футболчи клуб сафида бир ёки ундан ортиқ учрашув ўтказса ва кейинги трансфер ойнасигача икки томонлама шартномани бекор қилинса, клуб бундай ҳолатда футболчига шартнома бекор қилинган санага қадар тўлайдиган умумий пуллари миқдорида ЎзПФЛга жарима тўлайди